

Учкўприк туманида 50 нафар талабанинг шартнома пуллари тўлаб берилди

Юртимиздаги турли олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 50 нафар учкўприклик талабанинг 50 фоизгача шартнома пуллари “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди.

Туман ҳокими Аброржон Асқаров, сектор раҳбарлари, талаба-ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида ўтказилган тадбирда тўловни тасдиқловчи сертификатлар ўз эгаларига тантанали тарзда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрель кунги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ оиласаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан “Темир дафтар”га киритилган оиласалар фарзандларининг, шунингдек, “Ёшлар дафтари” киритилган ёшларнинг мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатларини тўлаб бериш “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган миқдорда амалга оширилиши белгиланган.

Хукуматнинг ушбу қарорига асосан “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар ҳамда “Темир дафтар”даги оиласаларнинг фарзандлари бўлган 50 нафар талабанинг жорий ўқув йили учун тўлов-контракт миқдорининг 50 фоизигача, қарийб 114 миллион сўмлик контракт пуллари тўлаб берилди.

Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни китобхонлик ва китоб мутолаасига кенг жалб этиш мақсадида 53 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Зиё” масканлари учун 50 донадан бадиий китоблар топширилди.

2023-01-21 11:46:23